



Тақдимот



“Баҳодир Ялангтўш” фильми премьерасига тушдим –

«ҚИЛСА БЎЛАР ЭКАН-КУ!»

Премьерадан кейин кўчадаги суҳбатимизда режиссёр Аюб Шаҳобиддинов “Ўзбек киноси яхши бир асар билан бойиди” деди. Бу Устанинг баҳоси. Мен бир оддий томошабин сифатида айтишим мумкинки, назаримда, киномизда тарихий фильмлар йўналишида янги “планка” пайдо бўлди, энди бошқалар шунга интилиши керак. Ҳеч нима бирданига бўлмайди, тажриба, қайта-қайта уринишлар орқали яхши фильмларга қараб ўсилади. Энди бевосита картинада нима ёққани ҳақида.

Биринчидан, тарихий фильмларга хос кенг миқёс, эпиклик, таъсирчанлик ва кўримлилик бор. Катта экранда кўрганимизга балки бу таъсир янада кучлироқ бўлди. Қоронғуда, ёмғирли, лойли ва шиддатли жанглار, маҳобатли саройлар, кимматбаҳо костюмлар, соч турмаклар, оммавий сахналар экрандан олдингизгача чиқиб келгандек бўлади.

Иккинчидан, актёрлар. Жуда чиройли визуаллик борки, янги қиёфалар у ёқда турсин, таниш ва сеvimли актёрлар ҳам янги кўринади. Қозғистондан жалб қилинган актриса – ТОП! Яна Баҳодир Ялангтўшнинг

ўғли Бойбек образини яратган актёр қиёфаси бўртиклик, жозиба ва ҳиссийлик жиҳатидан унча-бунча турк киноюлдузларидан афзал кўринди.

Учинчидан, сценарий. Сценарий муаллифлари Ҳасан Тошхўжаев ва Жаҳонгир Аҳмедов битта йўллик сюжетдан ҳам кенг миқёсли кизиқарли фильм қила олишган. Кейинроқ тарихий фильмларимиз эпик жанр талабларига кўра кўп йўллик сюжет типиди ҳам намоён бўлишига умид қиламиз. Лекин бу муҳиммас. Муҳими, 2 соату 20 дақиқа залдан ҳеч ким чиқиб кетмагани, турли эпизодлар қарсақлар

билан кутиб олингани. Айниқса, диалогларни алоҳида таъкидлаш лозим. Мен одатдаги тарихий фильмларимиздаги архаизмларга тўла узун ва ҳиссиз жумлаларни кутгандим. Балки шунгами, кўп ўринларда қиска, зарбали, афоризмсифат ўткир гаплар ёқимли сюрприз бўлди.

Тўртинчидан, энг асосийси – фильм ғояси. Яхшигина жангнома ва сиёсатнома бўлибди. Иккита асосий ғояни таъкидламоқчиман.

Биринчиси, ҳокимият, саройда доим фитналар бўлади. Тахтга қанчалик яқинлашганинг сайин фитналар шунчалик жиддий. Бунда садоқат тақчил, оға-инилик ҳам бекор. Энг олий мансабдаги одамнинг дўсти ҳам жуда кам бўлар экан. Фақат адолатли сиёсат юритса, ҳукмдорга халқ дўст бўлиши мумкин, вақти келса, сиёсий фитналардан ҳам фақат халқ қутқара олади, агар ҳукмдор одил ва халқпарвар бўлса.

Иккинчи мужда – ички душманлар. Аштархонийларни мағлуб қил-

ган асосий душман жунғорлар эмас, балки ички бўлиниш. Ҳамжихатлик йўқлиги учун сулола синди. Бизга катта сабоқ бўлиши керакки, адолат ва ҳамжихатлик бўлмаса, давлатчиликка путур етади. Ўзимизнинг дўстимиз ҳам, душманимиз ҳам ўзимиз!

Албатта, мутахассислар ё бошқа томошабинлар камчиликларни айтишса керак, улар бўлса ҳам керак ҳар қандай ишда бўлгани каби. Кимдир “Ричард Шерюрак” даражасида нимадир кутаётган бўлса, ҳафсаласи пир бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу муҳиммас. Одамлар “Баҳодир Ялангтўш”ни кўришсин, у айтаётган асосий гапни англашсин – муҳими шу.

Шахсан менга фильм жуда ёқди! Киночиларимиздан эса бошқа буюкларимиз ҳақида яна камида шундай, балки бундан-да юқори фильмларни кутамиз энди. Бу бошланиши бўлсин!

Шаҳноза СОАТОВА,
жамоатчилик фаоли

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар — янги босқичда



Халқимизда “Эл соғлиги — юрт бойлиги”, деган нақл бор. Топиб айтилган бу ҳикмат замирида катта маъно мужассам. Зеро, ҳар бир инсон ўз мақсадига эришиши учун, энг аввало, ҳар томонлама соғлом бўлиши лозим. Инсон қачон соғлом бўлади, қачонки, сифатли тиббий хизматдан ўз вақтида фойдаланса, чинакам яшаш завқини туйса!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз вазифасига киришган илк кунлардаёқ тинчлик ҳамда саломатлик масалалари аҳолимиз ҳаётидаги энг муҳим устувор масалалар эканлигини таъкидлаб, ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш ишлари бошланган эди. Охириги олти-етти йилда мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини бугун халқимиз ўз кундалик ҳа-

ётида сезмоқда, ҳис этмоқда.

Буни биргина ўтган даврда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш борасида эришилган ижобий натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

Тиббиёт соҳасидаги ислохотлар — янги босқичда

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, тиббиёт кадрларининг салоҳиятини ошириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 январдаги қарори билан Соғлиқни сақлаш вазир-

лиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси ташкил этилган эди.

Президентимиз шу йил 21 май куни Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдироти билан танишди. Хусусан, бирламчи бўғин ва тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш, дори-дармонлар харидини тартибга солиш борасида ишлаб чиқилган таклифлар атрофида муҳокама этилди.

Қайд этиш жоиз, тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш борасида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Жумладан, тез тиббий ёрдам машиналари парки тўлиқ янгиланди, тез ёрдам “колл-маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Хозирги кунда шаҳар аҳолисига 235 та тиббий ёрдам бригадаси хизмат кўрсатмоқда. Лекин таҳлиллар ушбу тизимни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, айни пайтда биргина Тошкент шаҳрида тез тиббий ёрдам чақирувлари сони 1 млн. 363 мингтани ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам чақирувларни қабул қилиш

жараёнида уларни саралашни йўлга қўйиш таклиф этилмоқда. Бунда чақирув сабабларини аниқлаш орқали “оддий”, яъни беморнинг иссиғи чиқиши, йўталиши ёки бошқа — бевосита тиббиёт ходимининг иштирокисиз амалга ошириш мумкин бўлган масалалар бўйича “Тиббий маслаҳат” шифокорлари гуруҳи ташкил этилади ва масофавий маслаҳат бериш амалиёти жорий қилинади. Қолган чақирувлар эса тиббий бригадага йўналтирилади.

Шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида ҳайдовчи ва фельдшер-парамедикдан иборат 47 та ҳамда фақат фельдшер-парамедикдан иборат яна 47 та бригада ташкил этиш, шунингдек, 69 та педиатрик, 91 та терапевтик, 24 та реанимацион ва 4 та психиатрик бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш кўзланмоқда.

Шубҳасиз, ушбу сай-ҳаракатлар натижасида тез ёрдам чақирувларига етиб бориш вақти 10-40 дақиқача қисқаради. Энг муҳими, педиатрик бригадаларни ташкил этиш орқали болаларга уйда сифатли ва самарали тез тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳисобига шифохонада ўринлар юкламаси камаяди.

Тез тиббий ёрдам тизимида ушбу янгиланган жорий этиш тармоққа

йўналтирилаётган маблағларни иқтисод қилиш ҳамда бошқа ишларга йўналтириш имконини ҳам беради. Масалан, Тошкент шаҳридаги чақирувларнинг 5 фоизини “оддий” чақирувлар, деб ҳисоблаб уларга тиббий маслаҳат бериш орқали масаласини ҳал этиш йилига камида 150 млрд. сўм маблағни иқтисод қилишга олиб келади. Ёки фельдшерлик-парамедик бригадаларга электромобиллар жорий этиш натижасида 60 млрд. сўм тежалани.

Умуман олганда, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш ушбу соҳага илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ҳамда аҳолимизнинг бу ишларни чуқур англаган ҳолда қўллаб-қувватлашига бевосита боғлиқ. Шундай экан, ҳар биримиз ушбу соҳани янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларимизни билдириш, ҳеч бўлмаганда ўз соғлиғимизга эътиборли бўлиб, соғлом турмуш тарзига риоя этиш орқали тиббиёт ходимларига қўмаклашишимиз лозим.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланади

Замонавий дунё тараққиётини сифатли ва самарали таълим тизимисиз тасаввур қилиш мушкул. Бугунги воқелик шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай мамлакат равнақи, энг аввало, ёш авлоднинг таълим-тарбияси, юксак ахлоқий сифат ва фазилатлари, соҳа кадрларининг билим савияси, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида илғор технологияларни қўллаш олиш даражаси билан узвий боғлиқ. Зеро, илм сирларидан бохабар, замонавий илғор технологияларни мукамал эгаллаган ёшлар ҳар қандай жамият, ҳар бир давлатнинг ҳаракатлантирувчи кучи саналади.

Президентимизнинг шу йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони Янги Ўзбекистон келажагини бунёд этувчи, мустақил, креатив фикрлайдиган ёш авлоднинг камол топишида муҳим асос бўлди, десак асло муболага бўлмайди.

Фармон билан давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур ўзгариш иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига устуворлик бериш имконини яратади. Янада аниқроғи, давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилишини таъминлайди.

Шунингдек, давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга ошириш белгиланган бўлиб, бу давлат грантининг мутахассисликлар кесимида адолатли тақсимланишига асос бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим ташкилотлари талабаларига давлат грантини ижтимоий-рағбатлантирувчи грант ва таълим гранти шаклида ажратиш белгиланмоқда. Яъни, мазкур ўқув йилидан бошлаб, бакалаврият ва магистратурага таълим гранти бир ўқув йили учун кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилади ҳамда иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ҳамда ижтимоий фаол талабалар орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади.

Аёнки, ҳозирги кунгача абитуриентлар олий таълим муассасаларига грантга ўқишга кириш учун йиллаб репититорларга катнаб, тайёрларлик кўрардилар ва грант асосида

ОТМга ўқишга қабул қилингандан кейин кўпчилик талабалар тўрт йил давомида кафолатланган грант ва стипендияга ишониб, ўқиш-изланишни ўз ҳолича ташлаб қўярдилар. Фармондаги ушбу ўзгариш давлат гранти асосида қабул қилинган талабаларнинг грант ўрнини сақлаб қолиш учун ҳар ўқув йилида ўқиш-изланишлари устида тинимсиз ишлашларига туртки бериш баробарида, тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабаларнинг ўқув йилида натижаларини яхшилаш эвазига грантга сазовор бўлиш учун мотивация бериши, шубҳасиз. Талабалар ўртасидаги бундай соғлом рақобат, уларнинг мустақил изланишлари учун, қолаверса, умумий таълим сифатининг, талабалар билим савиясининг ошишига хизмат қилади.

Маълумки, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда хорижий тил сертификатлари мутахассислик ёки ихтисосликларидан қатъи назар бир хил даражада белгиланган эди. Ҳеч кимга сир эмаски, бир хил даражадаги хорижий тил сертификатини олиш талаби магистратура ва докторантурага ажратилган аксарият квоталарнинг тўлмасдан қолишига сабаб бўлди, ҳатто айрим мутахассисликлар кесимида умуман ҳужжатлар келиб тушмаганлиги ҳам маълум. Эндиликда давлатимиз раҳбари Фармони билан хорижий тилни билиш даражасига оид миллий ва халқаро сертификатлар мутахассислик ва ихтисосликларнинг хусусиятларига кўра белгиланмоқда. Жумладан, маданият ва спорт мутахассисликлари бўйича хорижий тилни билиш В1 даражага туширилмоқда. С1 даражадаги хорижий тил сертификатлари фақат хорижий тиллар йўналишлари бўйича талаб қилинади. Шунингдек, гуманитар, биологик ва турдош фанлар, математика ва статистика, бизнес ва бошқарув, ҳуқуқ, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва ҳулқ-атворга оид фанлар, журналистика ва ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари таълим соҳалари бўйича — камида В2 даражасида хорижий тил сертификатига эга бўлиш белгиланиши амалий аҳамиятга моликдир. Фармонга кўра, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб дав-



лат олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича имтиҳонлар “аввал тест, сўнг танлов” тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиши белгиланган бўлиб, минимал ўтиш балидан юқори балл тўплаган абитуриентларнинг олий таълим муассасаларини танлов имкониятларини кенгайтириб, ОТМга кириш эҳтимоллигини оширишга хизмат қилади. Бунда давлат олий таълим муассасалари бакалавриятга қабул жараёнини икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли томони ҳудудлар, соҳалар ва тармоқларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида давлат буюртмаси параметрлари доирасида мақсадли қабул квоталари ажратилишидир. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари мақсадли қабул буюртмачилари ҳисобланади ҳамда кадрларга бўлган ўз эҳтиёжларини комиссияга тақдим этади. Шунингдек, ҳудудлар кесимида мақсадли қабул тегишли ҳудудда доимий яшайдиган ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини тамомлаган абитуриентлар орасида танлов асосида амалга оширилиши муҳим омиллардан биридир.

Умуман айтганда, мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича рўёбга чиқарилаётган ислохотлар бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Зеро, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар янги Ўзбекистоннинг суянчи ва таянчидир.

Мухтор ИБРАГИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Очиғини айтганда, ушбу мақолани ёзишни кўпдан бери ўйлаб юрган бўлсам-да, негадир сира қўлим бормасди. Қандайдир андиша ёки истихоло мени ниятимдан қайтариб турарди. Аммо вазият тобора жиддий тус олиб, ҳолат ёмонлашиб боравергач, қоғоз коралашга мажбур бўлдим.



“АЛЛО, ДҲХТИР, БОЛАМ КАСАЛ...”

ультратовуш диагностикаси хонасида ишлаётган бўлсам-да, асосий мутахассислигим барибир педиатр, инфекционист бўлиб қолаверади. Қолаверса, бизнинг халқимизда “педиатр-медиатр” деган гап йўқ. Шифокорни битта касби бор: дўхтир!

Кимнинг каери оғришдан қатъий назар, сизни мутахассислигингизга тўғри келса-келмаса мурожаат қилаверишади. Мен бугунги кунда вилоят марказида, ўзим туғилиб ўсган туману қишлоқдан бир қадам нарида яшаганлигим сабабли, мени таниган ёки танишларимдан рақамимни олган кишилар ўзлари ёки ёш болаларининг саломатликларидоги муаммолари тўғрисида тез-тез мендан телефон қўнғироғи орқали маслаҳат сўраб туришади. Айнан шу қўнғироқлар асосан куннинг биринчи ярмида, соат 9-10 лар атрофида бўлади. Агар ўша пайтда қўлим телефонга етиб, қўнғироққа жавоб бера олсам, хўп-хўп, агар вақтида жавоб беролмасам ёки кейинроқ жавоб берсам, қўнғироқ қилган кишининг гап оҳанги бирдан ўзгаради.

Шу ўринда бир муҳим гапни таъкидлашга бўлмайди, яъни таниш врачингизга телефон қилсангиз-у у қўнғироғингизга жавоб бермаса, билинги, у буни атай қилмайди. Ўша таниш врачингизни ўзи ишлаётган иш жойида белгиланган график асосида иш вақти, масъулияти бор. Қабулига узоқ-яқиндан беморлар келиб ўтирган бўлади. Ёки иккала қўли бирор тиббий диагностика ёки даволаш процедураси билан банд бўлади. Ўшандай пайтда диққатини бўлиб, қўнғироғингизга жавоб берман деса, олдидаги беморнинг соғлиғига зиён етказиб қўйиши мумкин.

Мен орқаваротдан эшитиб юрганга анча бўлди. Эмишки, мен катта одам бўлибман, босар-тусаримни билмай, қўнғироқларга жавоб бермас эмишман. Бундай ҳолат мен каби бошқа шифокорларда ҳам учрайди. Худо хақи,

ишонинг, асло ундай эмас. Мен ҳали-ҳамон ўша Сиз таниган одамман. Аммо ишдаги масъулият, ишдаги тифизлик менинг телефон қўнғироғингизга вақтида жавоб бера олмай қолишимга сабаб бўляпти, холос.

Энди масаланинг янада нозикроқ, иккинчи томони ҳам бор. Юқорида ёзганимдай болалар шифокори бўлганлигим сабабидан, менга телефон орқали мурожаат қилувчиларнинг аксарияти болалари ёки жиянларини касаллиги туфайли мурожаат қилишади. Мурожатларнинг деярли ҳаммаси шу кўринишда бўлади:

— Алло, ассалому алайкум, дўхтир, яхшимисиз!

— Ассалому алайкум! Раҳмат яхши! Ўзингиз яхшимисиз!

— Ў, дўхтир, бизди ўғилча қизамиқ бўлибдида, иссиғи тушмаяпти, шунга нима дори айтасиз?

Шу пайтда мен врач сифатида қизамиқ нима эканлигини, унинг болалар учун хавфли касаллик эканлигини, касалликнинг ўрта оғир шакли ҳам бир қанча асоратлар бериши мумкинлигини ўйлаб, кейин бир-бир савол бера бошлайман:

— Неча кундан буён иситма қилади, йўтали борми, тошма қачон тошди, бугун тошманинг нечанчи куни, ичи суюқ кетмаяптими, сийиши яхшими, уйқуси қандай, иштаҳаси қанақа, қандай дорилар бердинглар, бирорта врач кўрдими?

Болани тўрт-беш кундан буён касал эканлигини айтиб, берган саволларимга чала-чулпа, нотўлиқ жавоб ортидан қуйидаги овоз келади:

— Ҳа, фалончи дўхтир кўрди (қишлоқдаги фельдшерни айтади. Оқ халат кийса, демак у дўхтир), битта иккита дори айтди, лекин шу иситмаси тушмаяптида, шунга дориларини СМС қилиб ёзиб юборинг, илтимос...

Ҳаммаси энди бошланади. Демак, мен қишлоқ фельдшери кўриб, қизамиқ деб ташхис қўй-

ган болага, беморни кўрмасдан, дориларини СМС қилиб юборишим керак. Ҳой барака топгур, ҳа у бола! Уй жонивори эмас, ахир. Беморни тери қопламасидаги тошмани, шиллиқ қаватларини кўрмай, ўпкасини, юрак уришини эшитмай, пульсини санамай, йўтал характерини аниқламай, қорин соҳасини пайпасламай, касалликни тиббиёт тилида айтилганда визуал кўриб, объектив баҳоламай туриб, биз авлиё эмасмики дорини СМС қилиб ёзиб юборсак. Бирор мантиққа тўғри келадими шу?!

Шундайим ўзимни қўлга олиб: — Болани аҳволи сал жиддийга ўхшаяпти, дарҳол шифохонага ётқизиш керак. Юқумли касалликлар шифохонасига тезда боринглар (тумандаги шифохонани назарда тутаман), врачларимиз кўрсин! Яна маслаҳатлашамиз, дейман.

Шунда нариги томондан бироз норози оҳангда:

— Дўхтир, больницага бооришга озроқ шароит йўқ эди, фалон-фулон сабаблар бор. Шунинг учун сизга телефон қилдик, шунга дориларини айтиб юборинг...

— Болани кўрмай туриб, дори айтиш қийин-да, тошмасини кўриш керак эди, дейман минг истихоло билан.

— Ҳозир телеграмдан расмини ташласам бўладими, дейди суҳбатдошим...

Хўп, ҳурматли ўқувчилар, сиз нима деб ўйлайсиз? Шундай пайтда кўз билан кўрилмаган, қулоқ билан эшитилмаган беморга дори айтишга тиббиёт ходимининг ҳақи борми? Мен врач сифатида сиз, азизларга шуни аниқ айтишим мумкинки, соғлиғингизга соя соладиган бирорта аломатни майда санаманг. Сиз арзимас деб қараган биргина симптом ортидан сал ўтмай даволаниши қийин кечадиган оғир хасталиклар пайдо бўлиши мумкин. Ўзингиз ёки яқинларингизда бирор касаллик аломати сезилса, дарҳол врач қабулига боринг! Шифокор танишингиз телефон орқали сизга фақат энг зарур ва бирламчи маслаҳатни бера олади, холос. Масалан болани ичи кетяпти десангиз, инфекционист кўрсин, деса, йўталаяпти десангиз педиатр кўрсин, дейди. Бугун ғойибдан, телефон орқали болангизга муолажа ёзадиган, сиз учун яхши врачингиз, эртага Худо кўрсатмасин, кўрмай-билмай ёзган муолажасининг ортидан кузатиладиган бирор нохуш ҳодиса туфайли энг ёмон одамнингизга айланиб қолмасин.

Орифжон КОМИЛОВ

ШИФОХОНАЛАР

БЎМ-БЎШ, КАСАЛ ОДАМ ЙЎҚ...

Бу йил киш совуқ келди. Қахратон суяк суягимдан ўтиб кетган экан, на тоғларга бордим, на томошага. Аксига олиб баҳор ҳам серёмғир келди. Озгина изғирини ҳам бор. Бироз сайр қилай десанг, муздай ниначалар баданингга санчилади. Уйда қамалиб ўтиравериш юрагим сиқилди. Жунжикиб ишга борасан, ҳадемай кеч бўлади, ўраниб чирманиб ишдан келасан, қамалиб ўтирасан, тун узок. Кечаси билан ёмғир аралаш қор ёғади. Эрталаб турасан-у, ҳавонинг тунд авзойини кўриб, узок узокларга кетгинг келади. Бехолгина керишасан...

Бир кун тунда китоб ўқиб ўтириб, варақлар орасида 20 минг донг- вьетнам пули чиқиб қолди. Қоғозга ўхшайди-ю, лекин қоғоз эмас, на гижимланади, на нам тортади, на йиртилади, пластмасса пул. Варақлар орасида яп янгидай ярқираб турибди. Бу пулни қайси йили ўртоғим берганди, “Ма, сенга совға, бу пул сени Вьетнамга етаклаб боради”, деган эди. Пулни қўлимга олдим-у ўйланиб қолдим. Хаёлимга келган ўйдан қўзларим чакнаб кетди: “Бир Вьетнамни айланиб келсам нима бўлади?!” “Албатта, зўр бўлади!”

* * *

Самолётимиз етти ярим соат деганда Камрань халқаро аэропортига кўнди. Вьетнам биздан икки соат олдинда юришини ҳисобга олсак, демак тўққиз ярим соат йўл юрдик, халқаро аэропорт уч соат олдин рўйхатга олишини ҳисобласак, ўн икки ярим соат, паспортни рўйхатдан ўтқизиш, боғхонадан ўтиш, виза тўловларини амалга оширишга яна уч соат вақт сарфлаганимизни ҳисобга олсак, ўн беш ярим соат деганда, аэропортдан чиқиб, Вьетнам ҳавосидан эркин нафас ола бошладик.

Вьетнам иссиқ, ҳаво доимий равишда буғланиб турганга ўхшайди. Биринчи кунни ўзимни худди ҳаммомга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Эртаси кундан бу ҳавога кўникиб кетдим ва унинг буғланиб турганга ўхшаш хислати унутилиб кетди. Бу ерда киш мутлақо бўлмас экан. Атроф ҳамиша ям яшил, дарахтларнинг бўйи ўттиз қирқ метр, тоғутош, қир адирлар ҳамиша ям-яшил, ўрмон, чакалакзор, кўм-кўк осмон. Автобус ойнасидан ташқарига қараб кетар эканман, худди моҳир рассом томонидан чизилган картинани томоша қилаётгандай эдим. Ё, товба! Табиат ҳам шунчалар гўзал бўлиши мумкинми?!

* * *

Камрань халқаро аэропортидан меҳмонхонамиз жойлашган Нячанг шаҳрига йўл олдик. Оралиқ масофа ўттиз километр экан, йўл-йўлакай кўча-кўйни томоша қилиб кетдик. Биринчи эътиборимни тортган нарса, мотоциклларнинг ниҳоятда кўплиги. Йўл транспортининг қарийб 85 фоизини мотоцикллар ташкил этар экан. Иккинчи эътиборимни тортган нарса, бирор светофор, бирор йўл назорати ходимига кўзим тушмади. Радар умуман йўқ экан (кейинчалик ўн икки кун юрган бўлсам, бирорга автохалокатга ёинки бирор тўқнашувга, кимдир кимнидир туртиб олишига кўзим тушмади. Фақат шаҳар марказидагина бир иккита светофор бор экан. Лекин мотоцикл ҳайдовчилари юз фоиз эҳтиёт каскасини кийиб юришар экан).

* * *

Нячанг шаҳридаги Бонжур меҳмонхонасига жойлашдим. “Шаҳарда масжид борми?” – дея биринчи сўраган саволим шу бўлди. Афсуски, йўқ экан. Лекин, шаҳарда туристлар оқими жуда катта. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, 2002 йилда бу шаҳарда бор йўғи иккита меҳмонхона бўлган бўлса, бугунга келиб улар сони икки мингтадан ошиб кетибди.

* * *

Шаҳарда мева-чева роса кўп ва арзон. Жуда ширин ва ёқимли. Дунёдаги ҳамма меванинг ўзига хос

таъми, мазаси, лаззати, таровати, гўзаллиги, хуш бўйи бор. Юқорида айтганим 20 минг донгнинг қиймати, бизнинг пулга тахминан ўн минг сўмга тўғри келади. Ўн минг сўмга бу ерда тахминан бир, бир ярим кило манго ёки ўртacha катталиқдаги бир дона папайя ёки икки дона кокос ёки бир кило патахуя ёки икки кило банан ёки бир дона ўртacha катталиқдаги ананас олишингиз мумкин. Бу ердаги мевалар шу қадар лаззатли ва оромидонки, еган сари егингиз келади. Лекин, мен шу фикримда доимо собит тураман: Ўзбекистон қовунининг ширинлигига Ер юзининг бирорта меваси тенглашолмайди. Унақаси Туркияда ҳам, Ҳиндистонда ҳам, Арабистонда ҳам йўқ. Европани, Американи айтмаса ҳам бўлади.

* * *

Борган кунининг эртасига мен жойлашган меҳмонхона ресторанида никоҳ тўйи бўлди. 550 киши қатнашди. Баъзи тўйларда минг, ҳатто икки минг киши қатнашар экан. Уларнинг шу ишлари бизни кига ўхшар экан. Тўёна 20 доллардан 100 долларгача берилар экан. Қалин пули икки минг доллар экан. Икки минг доллар дегани вьетнам пулига 50 миллион донг. Бу ерда 100 доллар икки ярим миллион донг. Куёв келинга бир қанча тилла тақинчоқлар берди. Келин тараф ҳам куёвни бош-оёқ сарпо ва жуда кўп совға салом, тилла соат, тилла занжир билан сийлади. Бу ерда баъзи ҳолатларда куёв келинликка кетар экан. Чунки, Вьетнамда матриархат даври деса ҳам бўлади, оила бошлиғи аёл ҳисобланар экан. Шу жойи бизларникига ўхшамас экан. Яна ўхшамайдиган томони иккитагача фарзанд кўриш мумкин. Учинчиси туғилса катта солиқ тўлашга тўғри келади. Шунинг учун кўпчилик иккита фарзанд билан қаноатланади. Катта тўй қилиш фақат бизда эмаслигини яхши билиб олдим. Айтгандай, тўйда етти хил таом тортилди.

* * *

Ўзбекистоннинг яхши томони кўп. 4 сотих, 6 сотих. 12 сотих ерда ҳовли қуриб бемалол яшайверасиз. Вьетнамда ундай эмас. 4 сотих ер ололмайсиз. Бу ерда деярли ҳаммининг ҳовлиси бир хил: кўча тарафи 4 метр, узунаси 10 метр. Бўлди. Сизга бошқа ер йўқ. Вьетнамликлар шу 4 метрлик жойга 3 қават, 4 қават уй солишади. Кўплар уйлариининг биринчи қаватини ё дўкон, ё цех қилишган. Кундузи биринчи қаватга тушиб ишлашади, кечқурун иккинчи, учинчи қаватда яшашади. Вьетнамликлар ота, бобо, катта бобо, уч, тўрт, беш авлод бир жойда жамоа бўлиб истикомат қилади. Бекорга айтишмаган, кийган этигинг оёғингни қисиб турганда, дунёнинг кенглигидан нима наф, деб.



* * *

Вьетнамда 90 млндан ортик аҳоли, 125 млн мотоцикл бор экан. Ҳатто, мен яшаган меҳмонхона эгаси гоҳ гоҳида мотоциклда келади. Қулай. Катта йўлда кичкина жой олиб, шипиллаб кетаверасиз. Тирбандлик ҳосил қилмайди. 5 литр бензин билан 200 км йўл юрасиз. Ҳатто мотоцикл таксилар ҳам бор. Қиймати бизнинг пулга тенг бўлган беш минг сўм берсангиз беш км жойга олиб бориб қўяди. Мотоцикл ижараси ҳам бор. Бир кунга, яъни йигирма тўрт соатга ижара ҳақи 90 минг сўм. Ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки бошқа бирор ҳужжат сўрамайди. Фақат каска кийишингиз шарт. Оласиз-у тоғроғларга миниб кетаверасиз. Бизда негадир кўпчилик мотоцикл минишни ўзига ор, деб билади. Биров минса, устидан кулади. Менимча, бу нотўғри. Мотоцикл минишга иштиёқмандлар бўлса, уларга имконият яратиб бериш керак. Тикилинч камаяди, автохалокатлар озаяди, ҳаво ифлосланмайди, бензин, газ кам ишлатилади... Ичимиздаги кибр, манманлик, ҳашаматга ўчлик, такаббурлик пасаяди, кўз-кўз камроқ бўлади.

* * *

Бу ернинг бананлари кўрсаткич бармоғингиздан сал каттароқ ва пўстлоғи жуда юка. Ўта ширин. Килоси ўн, ўн икки сўм атрофида. Катта бананлар, яъни Ўзбекистонга борадиган одаддаги бананларнинг килоси беш ярим минг-олти минг сўм. Бу ернинг манголари жуда мазали. Мангонинг ҳам юз хил тури бор. Нархи бир кг манго ўртacha ўн-ўн беш минг сўм. Вьетнам кофе етиштириш бўйича дунёда Бразилиядан кейин иккинчи ўринда туради. Кофенинг манаман деганлари шу ерда. Энг қимматининг нархи бир кг бир ярим минг доллар.

Дунё ишлари кизиқ. Хитой Вьетнамни босиб олиш учун ўн саккиз марта ҳужум қилган, аммо ҳар доим муваффақиятсизликка учраган. Ҳозир эса, Вьетнамга энг кўп инвестиция киритаётганлар айнан шу хитойликлар. Америка Вьетнамни босиб олиш учун йигирма йил давомида уруш олиб борган, аммо босиб ололмади. Ҳозир Вьетнам ёшларининг кўпчилиги Америкада таҳсил олади, яъни Америкада энг кўп талабалари ўқиётган давлатларнинг дунё бўйича кучли бешталигига киради. Россия ҳам Вьетнамни социалистик давлат бўлиши учун кўп йиллар уринди. Аммо Вьетнам бўйсунмади, лекин мактабларда бир пайтлар биз таққан қизил галстукларни улар ҳамон тақиб юришибди.

Ўзбек таомномасини ажойиб ҳазми таом билан бойитишингиз мумкин. Буни вьетнамликлардан ўрганиб олдим. Бақлажонни парраклаб кесасиз. Талкон ва тухумга бақлажонни белаб қовурасиз. Товадаги ёғ оз миқдорда бўлиши керак. Кисирлаган, печенъедан каттароқ, лаззатли ҳазми таомни маза қилиб ейишингиз мумкин. Ишонмасангиз, бир синаб кўринг.

Тухумнинг пўстлоғини арчмасдан, хом ҳолатда сихдан ўтқазиб шашлик қилиш мумкин. Сиздан нима кетди, буни ҳам бир синаб кўринг. Жуда зўр чиқар экан. Саримсоқпиезнинг ҳам доналарини сихдан ўтқазиб шашлик қилиш мумкин. Товуқ панжаларини шашлик қилишганини кўрдим. Очиғи, бу менга ёкмади. Лекин, айтишларича товуқ панжасининг кафтида озгина юмшоқ жой бор экан. Кафтдаги шу бир парча гўштнинг кучи, аҳамияти, қиймати бус бутун товуқни паққос егандан яшироқ экан.

Вьетнамда ер ости қазилмаларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Дур, маржон, ақик, зумрад, гавҳар, марварид, ёқут, садаф, олмос, тилла, кумуш, лаъл, забаржад, сафсар, биллур сингари зеб зийнатларни, жавоҳирларни арзон нархга сотиб олиш мумкин. Кимнидир соғина бошласанг оёғинг ўзинг билмаган ҳолда мана шундай гўзал тақинчоклар сотиладиган бозорга бошлаб борар экан. Менга азалдан тилладан кўра дур, бриллиант кўпроқ ёққани учун, олмосдай ярқираб турган дурларни томоша қила бошладим. Дурларни нафақат оқ, оппоқ ранглиси, балки қора рангли, қаймоқ ранглиси бор. Уларнинг ялтираб, яраклаб, рангги ўзгармай товланиб туришининг кафолати 300 йил экан. Яъни дур 300 йил ярқираб турар экан. Дур мени кучли сеҳри, оҳанграбоси билан мафтун этди. Пештоқдаги дурлар бениҳоя гўзал эди. Дур ҳам худди тошга ўхшаган бўлсада, чиғаноқлар ичида тирик яшар экан. Аста-аста улғаяр, катталашар, гўзаллашар, ярқироқлиги юксалиб, тирик ҳолатда фусункор камолотга етар экан. Фоний дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам Оллоҳ таоло яратган энг гўзал яратик, бу хурлардир. Хурлар эса, дурдан яралган экан, албатта дурдан сотиб олмаслигим мумкин эмас эди. Албатта, биринчи ўринда энг катта ва энг гўзал дурдан ясалган зебигардонни Зулайҳо хожи онамга олдим.

Вьетнам пулининг номи донг. Букланмайди, ғижим бўлмайди, нам торгмайди, йиртилмайди, қанча ишлатсангиз, янгидай тураверади. Қоғоз деб юрардим, бир кун тикилиб қарасам пластмасса экан. Сотувчи бу пулни сиздан олаётганда икки қўлини чўзиб, таъзим қилиб олади, қайтим бераётганда ҳам пулни икки қўли билан ушлаб, таъзим бажо келтириб қайтаради. Пулда Вьетнам Мустақиллигининг асосчиси Хо Ши Миннинг расми бор. Юз доллар икки ярим миллион донгга тенг. Аммо хурмати баланд. Уч юз долларга битта янги мотоцикл олишингиз мумкин.

Вьетнамнинг Далот шаҳрида ғаройиб меҳмонхона бор. Ғаройиблиги, телба тескарилиги, ақл бовар қилмас архитектураси, кўрқинчли сумбати, ғалати йўлаклари, ваҳимали хоналари туфайли дунёдаги кўрқинчли меҳмонхоналар ўнталигига кирган. Яъни бутун дунёдаги энг кўрқинчли, энг ваҳимали, энг даҳшатли ўнта меҳмонхонанинг биттаси шу ерда жойлашган. Яқинига йўласангиз одамни кўркув ва қалтироқ босади. Аслида бу меҳмонхона севишганлар учун қурилган экан. Ҳа, тўғри одам севиб қолганда юрагини кўркув боса-

ди. Севги одамни телба қилади. Изтиробдан, хавотирдан, соғинчдан, рашкдан, ўйлайверганидан кечалари ухлолмай босинқираб чиқади. Сиз севган одамнинг билан жинлар, ялмоғизлар, одамхўрлар, ёввойи маҳлуқлар яратилган кўрқинчли меҳмонхонада бир кеча қолган бўлармидингиз...

Вьетнамда ўлган одамни сўнгги манзилга кузатиш ҳақиқий тўй экан. Ўликни пасон қилиб кийинтиришар, оғзига тўлдириб пишган гуруч солишар, ёнига қалбаки доллар қўйиб қўйишар, кейин ўйин кулги, ракс, дискотека уюштирилар экан. Хонанда шўх-шўх кўшиқлардан айтар, уч юз, тўрт юз киши тиззагача еб ичар стол атрофида айшу-ишрат қилишади. Ким маишатга қўшилмай, қовоғини солиб ўтирса, мархум хафа бўлишини, тирилиб келгач ўч олишини ёдига солиб қўйишар экан. Шунинг учун ҳамма шўх-шодон ўтирар экан. Мархум бу дунёдан қутилиб жаннатга кетди, дейишар экан. Хуллас, шунақа гаплар. Ҳар кимнинг ўз урф одати ўзига буюрсин. Бир нарса дейишга ожизман. Ҳарқалай Вьетнам ҳам кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўпчилик Вьетнамни қоқоқ ва қашшоқ мамлакат дея ҳисоблайди. Ундай эмас. Масалан, Осиёдан чиққан биринчи фазогир вьетнамлик Фан Туан эди. Осиё деганда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Малайзия, Индонезия ва яна бошқа ўнлаб қудратли давлатларни инобатга оладиган бўлсак, бу катта муваффақиятдир.

Баъзилар вьетнамлик қизларни қорачадан келган, қотма ва бўйи паст бўлади, жаҳон стандартларига тўғри келмайди, деб ҳисоблашади. Ундай эмас. Вьетнамда чиройли, гўзал ва соҳибжамол қизлар кўп. Шу қадар дилрабо бўлишадими, хусну малоҳатларига ишонганликлари учун деярли ҳар йили “Дунё гўзали” танловида қатнашади. Ҳатто вьетнамлик Май Пхунг Туй “Дунё гўзали-2006” да биринчи ўринни эгаллаган.

Вьетнам аквариумдаги балиқларни етиштириб бериш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Биласиз, аквариумдаги балиқлар дунёдаги энг гўзал, одамлар томоша қилиб тўймайдиган балиқлар ҳисобланади. Шу билан биргаликда улар шифобахш экан. Кўп жойларда аквариумларни қатор-қатор тизиб қўйишган. Оёғингизни сувга тиксангиз, балиқчалар югуриб келиб тишлай бошлайди. Оёғингиз бир пасда замбуруғлардан халос бўлади. Балиқчаларнинг тишлагани ҳеч малол келмайди. Худди қитиклагандай бўлади. Жуда ёқимли. Қитиклаши шу қадар хузурбахш, жоннинг роҳатики, ўз ўзидан хандон отиб куласиз. Чарчоғингиз бир зумда ёзилади. Бир соатлик бу хузурнинг нархи 25 минг сўм.

Вьетнамнинг 98 фоиз аҳолиси саводхон. Яъни ҳеч бўлмаганда ўрта мактаб таълимини олган. Фаровон ва хузур ҳаловатда яшаш бўйича эса, 2016-йил “Энг бахтли мамлакат” индексида Осиёда биринчи, дунё микёсида 5-ўринни эгаллаган.

Меҳмонхоналари жуда мустаҳкам ва ҳашаматли. Меҳмонхонанинг 42-қаватида бассейн бор. Қуёшда товланиб, маза қилиб чўмилишингиз мумкин. Хизматлар олий даражада. Дўконларда бир соат савдо қилиб, олмай кетсангиз, “нега олмадинг” дейдиган одам йўқ. Таъзим бажо келтириб кузатиб қўяди. Лекин бозорларда албатта савдолашингиз керак. Гоҳида 500 донг дейилган маҳсулотни 200 донгга олишингиз мумкин. Афсуски,



мен буни кечроқ, пулим тугаганда билдим. Бир пайтлар, Вьетнамдан Олтин юлдуз дориси келарди. Болалигимда кадрон бўлган ўша дорини изладим. Шаҳарда бор йўғи ўнтача дорихона бор экан. Уларнинг ҳам кўпчилиги доривор ўт ўланларни сотар экан. (Бизда ҳар бир кўчада 10 та дорихона бўлса керак) Шифохоналар бўм-бўш, касал одам йўқ экан. Қизиқми? Битта дорихона топиб ўша болаликда пешонамизга суртадиган Олтин юлдуз дорисини олдим. Сув текин. Бизнинг пулга 5 минг сўм. Совға-салом сифатида ёр-у биродарларга уч тўртта олдим.

Қискичбака-ю, медуза, кальмар, устрица сингари таомлар олдимга қўйилди-ю кўнглим тортмади. Ўн кун давомида фақат мева-чева едим. Аммо, роса орзу қилганимга қарамай, бир кило ҳам озмадим. Айтгандай, бу ерда ҳам ўқитувчиларнинг ойлиги кўп эмас экан. 3-4 млн сўм атрофларида. Болалар 5-синфгача текин ва мажбурий ўқитилар экан. Кейинги синфларда ўқиш пуллик. Вьетнам кўчаларида кокослар пишиб ётибди. Бирорта одам тегинмайди. Олиб емайди, ўғирламайди. Супермаркетда бир донаси бизни пулга 10 минг сўм. Бозорда ундан ҳам арзон.

Вьетнамнинг Нячанг шаҳрида кўзимиз беҳосдан “Ўзбекча” деган ёзувга тушиб қолди. Тўғриси, кўриб хурсанд бўлдим. Тўғрида, Ўзбекистондан 9000 км нарида миллатдошларимиз ишбилармонлик қилиб, ўзбекнинг пазандалигини оламга дoston қилиб ўтирса, фақат ва фақат хурсанд бўласиз. Нархлари кўп қиммат эмас. Ош бизнинг сўмга 60 минг, манти бир донаси 20 минг, лағмон 55 минг сўм в.х. Нима бўлганда ҳам қандингни ур, ўзбек! Ўзбек ишбилармонлари бутун дунёда кўп корхоналар очиши тарафдориман!

Ҳозирча, шу гаплар. Вьетнамликлар млрд аҳолиси бор Хитойдан энгилмади, дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири Америкадан энгилмади, тараққий этган давлат Франциядан энгилмади. Ертўлаларда, чангалзорда, ботқоқларда яшириниб, оч наҳор, юпун ва керакли курул аслаҳасиз уларга қарши курашди. Ҳашоратларни еди, қалтакесакни еди, қаламушларни еди, аммо, ўз Ватанини душмандан озод сақлаб қолди. Қарамлик бўйинтуруғини бўйнига илмади.

Мухаммад ИСМОИЛ





Гўзамлик ортидаги

ЖАСОРАТ

Бугун аёл деган мўтабар номга заифа назари билан қаралмоқда. Ўрни келганда айрим эркаклар қўлига эрк бериб, аёл сиймосига мушт кўтаряпти. Улар эса фарзандлари учун тош ютишга ҳам чидайди. Аёлларнинг сабр-у матонати, жасорат олдида тарих қайта ва қайта бош эгган. Аёл номи бугунга қадар нафақат севги, она, сабр тимсолида, балки улуғ Ватан қахрамонлари сифатида ҳам гавдаланиб келмоқда.

Ўзбек номи баралла айтилаётгани учун қадимда аждодларимиз қон тўкишганидан хабаримиз бор. Тарих гувоҳлик берадики, жасур ва мард эркаклар сафида, гўзал ва нафосатли аёллар ҳам мардонавор жанг қилишган. Улар баъзида латофатни дош бериб бўлмас кучга, ожизаликни буюк ғурурга алмашишган. Биз мустақиллигимизга қадар бўлган даврни эслаганимизда, доимо улуғ саркарда Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, у билан елкама-елка турган Темури Маликни, яқин тарихдаги жадидлар ва бошқа юзлаб тарихий шахсларни хотирлаймиз-у, нафосат ва жасоратни бир жисмда жамлаган ожизалар ёддан кўтарилари. Ҳа, аёл нафосат билан бир қаторда жасоратнинг ҳам ёрқин намоянасидир. Қонхўр Кайхусрав калласини қонга тўйдирган массагет маликаси Тўмарис, йирик Эрон саркардаси Баҳром Чўбинга бас кела олган саклар маликаси Зарина, Кауфман ва Скобелевларни доғда қолдирган Олой маликаси Курбонжон Додхоҳ ва бошқа шижоатли аёлларни Ватан тарихининг миллий қахрамони тасвирида кўришимиз мумкин.

Бу рўйхатнинг фидойилари яқин ўтмишда ҳам эркаклар қаторида совет тузумига қарши курашган. Фарғоналик Шакархон кўрбоши 500 нафардан ортиқ аскар тўпланган гуруҳга бошчилик қилиб, шу ном билан бутун водийга машхур бўлган. Водийда кечаётган мил-

лий-озодлик ҳаракатларига бефарқ бўлмаган Шакархон ҳам ўз эри билан бир қаторда қурол кўтариб, жангга қиради. Унинг душманга бўлган нафрати Тўмарис каби фарзандларини йўқотганидан сўнг аланга олган. Онанинг кўз ўнгида Отажон ва Одилхон исми ўғиллари отиб ташланади. Фарзандларидан айрилган Шакархоннинг кўзидаги меҳр ёвга нисбатан қаҳрга айланиб, Ватан қахрамони сифатида ёдимизда қолди. У турмуш ўртоғи билан биргаллик 1918-йил охирларида бутун Олтиариқни болшевиклардан озод этган. Орадан уч йил ўтгач 1921-йилги жангларда кўксидан яраланиб, вафот этган. Қахрамонимиз Скобелев шахрида ўз ўлимни кутиб ётган “эркак”ларни озод қилган жангчи сифатида тарихга муҳрланди.

Озодлик учун кураш йўлида водий билан бир вақтда воҳалик аёллар ҳам фаол бўлишди. Хусусан, Бухоро амирлигининг гўзалларидан бўлмиш Нодира киз ҳам кўрбоши сифатида ватанни ҳимоя қилишни ўзига бурч, деб билади. Унинг акалари босқинчилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилади. Фожиадан сўнг Нодира икки йилча Бухоро кўзғолончилари сафида қизил аскарларга қарши курашган. Карман ва унинг атрофларида бу гўзал ва жасур аёлнинг довуғи дoston бўлиб, тиллардан тушмаган. Нодира жуда кўп қонли учрашувларни бошидан ўтказган. Афғон жангчилари томонидан кўз ўнгида ота-онаси

ўлдирилиб, ўзи ҳам тажовуз остида қолганида, қилич билан ёғиларни чопиб ташлаган. Нодиранинг душманга қарши ҳаракати ўзгачароқ бўлади. Яъни ўз атрофига жабр кўрган аёл ва қизлардан иборат кичик гуруҳ тўплади. Бир қанча жангларда аёллар ўз жасоратларини кўрсатиб, душманларини ваҳимага солиб кўяди. Кейинчалик Нодира кўшини билан машхур кўрбоши Иброҳимбек сафига қўшилади. Ўша даврнинг энг кучли лашкарбоши Иброҳимбек билан ота-бола тутинади. 1931-йили Иброҳимбек ва Нодира кўшинлари СССР худудига бостириб кирган. Нодиранинг гуруҳи қизил аскарларга қарши мардонавор жанг қилган. Афсуски, ушбу матонатли ва гўзал кўрбошининг кейинги тақдири ҳақида маълумот мавжуд эмас. Эл орасида унинг жасорати тўғрисида ҳозир ҳам турли афсона ва ҳақиқатлар мавжуд. Бир нарса аниқки, Нодира ҳам аёл бўлишига қарамасдан мустақиллигимиз учун ўз улушини кўша олган.

Шундай қора кунларда Ўш осмони остида улғайган яна бир аёл ёвларга қарши қурол кўтариб чиққан эди. Унинг исми Ойшахон бўлса ҳам халққа “Ойим кўрбоши” номи билан танилади. Ойимнинг акаси Холхўжа Эшон даврнинг таниқли кўрбошилари қаторига кирган, жангларда ғалаба ортидан ғалабага эришаётганди. Аммо бир жангда Холхўжа Эшон мағлубиятга учраб, вафот этади. Шу вазиятда иккиланмай латофатли Ойим акасининг ўрнини босишга қарор қилади. Унинг фаол ҳаракати рус кўшинлари орасида тез тарқалди ва эркак жангчиларни ҳам ваҳимага солиб кўяди. Буни рус командирлари унга нисбатан “Амазонка аёл” (жангчи аёл) таъбирини қўллаганидан ҳам билиш мумкин. Ойим Ўзганд қа-

моқхонасидан миллатдошларини озод қилиб, уларни ўз сафига қўшилишга чорлаган. Қолаверса, Ойим кўрбоши водийдаги жанглари билан ҳам машхурдир. У водийлик Маҳкам Хожининг олдида дуо ва буйруқ истагида боради. Маҳкам Хожи Ойшахонга Бухоро тўни кийдириб, белига кумуш қилич боғлаб, фотиха беради. Унинг “Буйруқ”идан асл ҳолда Ҳасанбой Ғуломов ўз мақолида келтириб ўтган эди. Биз ушбудан қисқача қолдирамиз: “1339 ҳижрий йил 10 зулқайда (1920 йил декабрь) Холхўжа Эшоннинг ҳамкорини эгачиси Ойшахон Ойимдин йўлида акаси ўрнида қилич чопмоқ учун фидойи бўлиб чиқибдур. Бинобарин, бизлар — лашкари ислом бошлиғи Маҳкам Хожи ўз томонимиздан бу ҳамширамизни Холхўжа ўрнига кўрбоши қилдик”. Ойим шу тарихга ўз фаолиятини бошлайди ва акасининг васияти (қамқоқдагиларни озод этиш)ни бажариш йўлида қонли жангларга қиради. Арпачи кишлоғида бўлган жангда Ойим кўрагидан яраланиб, ҳалок бўлган. Шу тарихга озодлик ҳаракати йўлида қисқа вақт жанг қилса-да, болшавойларнинг додини бериб, катта талафот етказган Ойшахон Кўрбоши акасининг ўчини олганидан мамнун ҳолда, акаси армонини рўёбга чиқариб шаҳид кетди.

Умуман олганда, тарихнинг қай саҳифасига қарамайлик, бундай аёллар қайта-қайта гавдаланаверади. Уларнинг яширин кучларини эса, айрилиқ ва нафрат кўзғотиб юборган. Айтиб ўтганимиздек, ушбу уч буюк аёл кўрбошилар ҳам ўз яқинидан айрилгандан сўнг қўлларига қурол олишган. Уларни фироқ ва ўч Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишдек буюк мақомга етиштирди. Аслида, ҳар битта қахрамоннинг ортида аёллар туради. У гоҳида она, ёр, опа-сингил қиёфасида тасвирланиши мумкин, лекин қахрамонларнинг асл ғалабаси сабабчиси сифатида гавдаланаверади. Қўлига қурол олиб, ёвга қарши курашган ушбу аёллар ҳам тарихдан асло ўчмагай.

Муҳаммад ҲОДИЕВ

ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН

Ўзбек тили шу қадар серқирра ва бойки, сўзнинг замирида ётган турфа маънони англаб етиш кишида ажиб завқ уйғотади. Айниқса, у мақол бўлса.

“Тегирмон навбати билан” мақоли айтилганда, бу калом инсонни сабр-тоқатли, вазмин мулоҳаза юритишга ундайди. Бу сўз замирида “Шошманг, ҳар ишнинг ўз фурсати бор” деган маънони беради. Айни пайтда ҳар ишнинг тартиби, расамади бор, шу қонидани унутманг, деган маънога ҳам эга.

Тасаввур қилинг, қимдир ўзига зарур нарсани

олмоқчи бўлсаю бироқ у буюмни олувчилар бир неча киши бўлса, сизга айтишади: тегирмон навбати билан, сабр қилсангиз, оласиз. Ўтмишда одамлар далада йиғиштирган буғдойни тегирмондан ўтказиб нон қилишган. Нон — инсоннинг бирламчи ризқи, насибаси. Буғдойни унга айлантириш учун тегирмонга кўпчилик боришига тўғри келган. Шунда ўзаро муросага келиш учун шу сўз айтилган.

“Нега биз айтган иш бўлмапти?” деган саволга шу жавобни айтишади. Рост-да, ҳар ишнинг ўз мавриди, фурсати бўлади. Бу мақол

халқимизнинг қанчалик донишмандлиги, узқони кўра билишини билдиради.

Юртимизда инсон манфаатини таъминлаш учун амалий ислохотлар рўёбга чиқарилмоқда. Албатта, ҳамма юмушлар бир кунда амалга ошиб қолмайди. Бунда ҳам “Тегирмон навбати билан” деган сўз айтилса, ҳаммаси тушунарли бўлади. Бу сўзга “Арқонни узун ташланг”, “Сабр таги сариқ олтин” нақллари ҳамоҳанг янграйди.

Агар бир нарсага эришиш учун орзу қилсангизу ҳадеганда насиб этавермаса, қуюнманг. Шунда ўша сўзни айтинг: “Тегирмон навбати билан”.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ДАЪВО ҚИСМАН ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ. НЕГА?



Кундалик ҳаётимизда у ёки бу маҳсулот ҳамда хизматга эҳтиёж сезамиз. Харид қиламиз ёки сотамиз. Олди-бердилар шартнома, қонуний асосда амалга оширилиши керак. Бугунги кунда машина, маиший жиҳозлар, ҳатто уй олиш учун банкдан кредит олаётганлар сони ортиб бормоқда. Баъзида кредит олувчилар вақтида қарзни қайтара олмайдилар. Ундайларга нисбатан қонуний чора кўрилади. Бу галдаги судда банк мижоздан муддатидан олдин асосий қарзни ундиришни сўраган.

Гап шундаки, судга Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси “Asakabank” АЖ Автотранспорт филиали манфаатида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2022 йил 16 августда “Asakabank” АЖ Автотранспорт филиали ва жавобгар А. У. ўртасида кредит шартномаси тузилганини, жавобгарга автокредит ажратилганини билдирган. Кредит таъминоти сифатида кредит маблағи эвазига сотиб олинган автотранспорт воситаси гаровга қўйилган. Кредитни қайтмаслик хатари суғурта полиси билан таъминланган. Жавобгар ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганлиги туфайли оқибатида қарз вужудга келиб, суддан жавобгар А. У. ҳисобидан муддатидан олдин жами 33.370.702 сўм кредит қарзи, 34.000 сўм почта харажати ундиришни ва ундирувни гаровга қўйилган автотранспорт воситасига қаратишни сўраган.

Суд даъво аризаси ва иш хужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Аниқланишича, 2022 йил 16 августда “Asakabank” АЖ Автотранспорт филиали ва жавобгар А. У. ўртасида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситасини сотиб олиш учун кредит бериш тўғрисида 1230-22АК-сонли шартнома тузилиб, жавобгарга 48 ой муддатга йиллик 22 % устама ҳақи тўлаш шарт билан 43.255.000 сўм автокредит ажратилган.

Кредит шартномасининг 7.1.3-бандида кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу шартномага илова қилинган жадвалга мувофиқ тўлаган ҳолда қайтариш белгиланган.

Аниқланишича, жавобгар А.У.

томонидан автокредит шартномаси бўйича 1.349.661 сўм муддати ўтган қарз, 659.601 сўм муддати ўтган фоиз, 262.425 сўм жорий фоиз, жами 2.271.687 сўм муддати ўтган кредит қарзи тўланмаган. Шартнома шартларига кўра, жавобгар охириги тўловни 2026 йил 15 августда амалга ошириши белгиланган. Бу ҳолат 26.02.2024 йил ҳолатига берилган банк маълумотномаси ва кредит шартномасига илова қилинган тўлов жадвали билан тасдиқланди.

Кредит шартномасининг 7.5.-бўлими с-кичик бандида ушбу шартномада ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган жадвалда белгиланган муддатларда кредит, фоизлар ва /ёки бошқа тўловлар амалга оширилмаганлиги (мунтазам равишда, икки марта ва ундан ортик) ҳолати қарз олувчи томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ҳисобланиши кўрсатилган.

Маълум бўлдики, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаганлиги фақат кредит бўйича фоиз тўлови билан боғлиқ бўлиб, 2.272.086 сўм муддати ўтган қарздорлик тўланмаган. Банк жавобгар томонидан шартнома шартлари жиддий бузилган деб ҳисоблаб, асосий қарз бўйича ҳисоб-китобни тақдим қилмаган. Муддати ўтган қарздорлик муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш ҳамда бу қарздорлик юзага келиши сабабларини жавобгардан сўраш шартларини кредитор (банк масъул ходимлари) бажармаган ҳолда энг охириги чора сифатида суддан барча қарздорликни муддатидан олдин ундириш талабини қўйган.

Суд даъво аризанинг муддати ўтган кредит қарзи (муддати ўтган қарз,

фоиз, жорий фоиз)ни ундириш қисмини асосли деб ҳисоблади. Тўлов жадвали асосида тўланмаган жами 2.272.086 сўм муддати ўтган қарзни жавобгар ҳисобидан ундиришни, қолган кредит қарзини (муддати келмаган асосий қарз) ундиришни рад қилишни лозим топди.

Суд даъвогарнинг ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги талабини муҳокама қилиб, қайд қилинган қонунчилик талаблари ва Олий суди Раёсати қарорининг раҳбарий кўрсатмасини қўллаган ҳолда бу даъво талабини рад қилишни лозим топди. Чунки муддати ўтган қарздорлик суммаси арзимас 2.272.086 сўмни ташкил қилиб, бу миқдор гаровдаги мулкнинг қийматида мутлақо мутаносиб эмас.

Суд даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг “Asakabank” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар А. У. га нисбатан муддатидан олдин кредит қарзи ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво аризани қисман қаноатлантирди.

Даъвонинг муддатидан олдин 31.099.016 сўм асосий қарзни ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги қисмлари рад қилинди.

Шундай қилиб, даъво қисман қаноатлантирилди. Сабаби, шартнома шартига кўра, жавобгар кредитнинг охириги тўловини 2026 йил 15 августда амалга ошириши белгиланган. Шу боис суд муддатидан олдин асосий қарзни ундириш ҳақидаги даъвони рад қилди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти Оҳангарон
туманлараро судининг судьяси.

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1015.

Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Боғланиш учун
телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва
эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Алимент, деса Кўҳиқофдан топ

Хар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки, оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларини емириши, ҳаётни боши берк қўчага киритиб қўйиши мумкин.

Тошкент шаҳрида яшовчи Рўзи Маҳмудов (исм-фамилия) ўзгартирилган ширин орзу-ниятлар билан Латофатга уйлнади. Орадан йиллар ўтиб ўғил ва кизли бўлишди. Аммо фарзандлар туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзгордаги майди-чуйда гап-сўзлар бора-бора оилани ажралиш остонасига олиб келди. Табиийки, Латофат бир муддат фарзандларини алиментсиз боқиб келди.

Суднинг қарорига асосан Рўзи Маҳмудовга вояга етмаган фарзандлари моддий таъминоти учун ҳар ойда ойлик ва

бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдоридан алимент пулини тўлаш мажбурият юклатилган эди. Бироқ у белгиланган алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди. Шу ўринда айтиш керакки, Рўзи Маҳмудов юриш-туриши билан маҳаллада ҳам ўзининг салбий томонларини кўрсатган. Алимент пулларини қасддан тўламай келган Р. Маҳмудов суднинг ҳукмига кўра айбли, деб топилди.

Фарзандларини унутган ота судининг ҳукми билан бир йил олти ой муддатга

озодликдан маҳрум қилинди.

Ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбуриятдан бири вояга етмаган болаларига таъминот беришидир. Бу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота қонуний жавобгарликка тортилади. Ўз фарзандлари тақдирига бу қадар бепарқ қарайдиган оталар учраб туриши афсусланарли ҳолат, албатта. Ундайларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлиги юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Шундай экан, муқаддас даргоҳ — оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Икром РАЖАБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Янгиҳаёт туман судининг судьяси.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ САЛОҲИЯТИ

Ҳозирги кунда таълимнинг барча босқичларида тил ўрганишга, айниқса, хорижий тилларни мукамал ўрганишга бўлган эътибор ва қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги диққатга сазовор. Бундан қутилган асосий мақсад эса ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини янада яхшилаш, билим доирасини кенгайтириш, уларнинг дунё миқёсига чиқиш имкониятларини тубдан яхшилашдан иборатдир. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга ихтисослашган мактабларнинг салоҳияти кенгайиб бормоқда.

Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфидаги Мирзаобод тумани инглиз тилига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати мисолида ҳам буни яққол кузатиш мумкин. Кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган ушбу билим даргоҳида 25 нафар педагог ходимлар 275 нафар ўқувчиларга сабоқ беришади. Ана шу педагогларнинг 13 нафари олий ва 10 нафари эса биринчи тоифа эгаларидир.

Мактаб-интернатининг ўзига хос салоҳиятини шунда кўриш мумкинки, 2020-2023-ўқув йиллари мобайнида мазкур ўқув маскани рейтинг кўрсаткичи бўйича вилоятда биринчи ўринни, Республикаимиз миқёсидаги 11 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари ўртасида эса юқори ўринлардан бирини эгаллаганлиги фикримизни яққол ифода қилади. Юқори кўрсаткичлар билан меҳнат қилаётган инглиз тили фани ўқитувчиларининг 4 нафари С1-даражасидаги олий тоифали ва бир нафари В2-даражасидаги 1-тоифали педагоглардир. Бошқа фанлар бўйича педагог ходимлардан 2 нафари миллий сертификатга эга.

Ўтган 2023 йилда ташкил қилинган “Open Budget” танловида мактаб-интернат жамоаси ўқувчилар ва ота-оналар ҳамкорлигида фаол иштирок этиб, 8 нафар инновацион электрон доска, 8 нафар моноблок компьютерлари ва 8 нафар кондиционерларни ютиб олишди. Айни дамда ушбу жиҳозлардан таълим сифатини оширишда кенг қўлдан фойдаланиб келинмоқда. Мактаб-интернатдаги мавжуд компьютер синфи ва хоналари тўлиқ интернет тармоғига уланган. Ушбу йилда эса яна бир бор “Open Budget” танловининг биринчи босқичида мактаб-интернат жамоаси ўқувчилар ва ота-оналар ҳамкорлигида фаол иштирок этиб билим даргоҳини

жорий таъмирлаш ишлари учун 1 млрд. 300 миллион сўм маблағни ютиб олганлиги қувонарли ҳолдир.

Албатта, ўқувчи-ёшларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ҳозирда 5 та метод бирлашма, 17 та фан тўғараги ва 5 та спорт тўғараги доимий равишда фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғарақларга мактаб-интернат ўқувчиларининг барчаси жалб қилинган. Ушбу даргоҳда таълим сифати ва самарадорлигининг узлуксиз ошиб боришида, педагоглар салоҳиятининг юқори даражасига кўтарилишида ҳеч бир шубҳасиз интернатнинг амалдаги раҳбари Мавлуда Олтишеванинг хиссаси катта. Бу мутахассис 1990 йилда Сирдарё давлат педагогика институтини муваффақиятли тамомлагач, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли таълим муассасаларида самарали меҳнат қилиб, катта тажриба ортирди. Вилоят таълимнинг ривожига муносиб улуш қўшди. Мана, 10 йилдан ошибдики, Мавлуда Олтишева мактаб-интернатини муваффақиятли бошқариб келмоқда. Айнан унинг раҳбарлигида ўқув маскани юқори даражадаги рейтинг кўрсаткичларига эриша олди.

Кўп йиллик изланишлар, қилинган ижодий меҳнат самараси ўлароқ 2018-2023-ўқув йиллари мобайнида мактаб-интернат жамоаси ва ўқувчилар томонидан бир қатор кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, маънавий-маърифий тадбирларда ижобий натижалар қўлга киритилганлиги бор гап. Ушбу муваффақиятларнинг қўлга киритилишида албатта, юқори малакали устозлар меҳнати бекиёсдир. 2018 йилда физика фани ўқитувчиси Хуршид Мирахмедов “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик танловининг Республика босқичида катнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритган.



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган 5 йил мобайнида мактаб-интернат жамоасининг эришган ютуқлари, қўлга киритган муваффақиятлари салмоқли бўлди. Фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, “Вилоят билимдони” танлови “Ёш китобхон” кўрик танлови, “Ёш математик”лар олимпиадасида интернат ўқувчилари юқори натижаларга эришдилар. Ўқувчиларнинг «SPELLING BEE» танловининг республика босқичида иштирок этганлиги ҳам эътиборга молик. Чунончи ушбу танловнинг Республика ҳудудий босқичида 9-синф ўқувчиси Севара Қодирова биринчи ўринни, Мукаррамхон Исмоилова ва Камола Ашуровалар 2-ўринни эгаллаб, 2-босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Булардан ташқари фан ва спорт соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилипти. Ўтган 2023 йили ҳам фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида туман ва вилоят миқёсида мактаб-интернат жамоаси ўзларини хар томонлама кўрсата олишди.

Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тасарруфидаги Мирзаобод тумани инглиз тилига ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернатидagi хорижий тил бўйича халқаро ва миллий сертификатга эга бўлган ўқувчилар сони 20 нафардан ошиб кетди. Ўқувчиларнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи эса 100 фоизни ташкил қилаётганлиги таҳсинга сазовор. Ҳозирги кунда вилоятдаги 310 та умумтаълим мактаблари ичида бир неча йиллардан буён рейтинг кўрсаткичлари бўйича мактаб-интернати 1-ўринни эгаллаб келаётганлиги унинг ёрқин истикболлини белгилаб турибди. Демак, иқтидорли ёшларни камолга етказишда янги изланишлар олиб бораётган мазкур билим даргоҳига бўлган эътибор бундан ортиб боришига шубҳа йўқ.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

ТОМОШАДАГИ САБОҚ

Ёш авлодни тарбиялашда китоб мутолааси, илм ўрганиш, тил билишга интилишнинг аҳамияти қанчалик бўлса, театр санъатининг ҳам ўрни шу қадар залворлидир. Тўғри, мактабларда ўқувчиларга бир қатор фанлар ўқитилади. Бироқ инсонни инсон қилиб тарбиялайдиган, қалбини эзгуликка чорлайдиган ягона фан адабиётдир.

Театр адабиёт билан биргаликда ривожланади, тараккий топади. Жадидчилик намояналари бежизга халқни зулматдан уйғотиш учун театрлар ташкил қилишмаган. Дарҳақиқат, театр ҳаёт кўзгуси, муқаддас даргоҳ саналади. Унинг тарбияга йўғрилган сабоқлари эса кишиларни одамийликка чорлаб тураверади. Ўзбек театр асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий таъбири билан айтганда, “Театр ибратхонадир”. У ўзининг “Падаркуш” драматини сахналаштириб, халқнинг маънавиятини юксалтиришга чоғланган. Аслида эса бу кўҳна оламнинг санъатсевар одамлари ибратхона аталмиш тарбия масканини жуда қадимданок кашф қилган.

Инсон бўш вақтини унумли ўтказиши, эстетик завқ берувчи спектаклларни томоша қилиши мумкин. Ўқувчиларда нотиклик санъати маданиятини шакллантириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ота-оналар фарзандларини театрга тез-тез олиб боришлари лозим. Зотан, спектаклни томоша қилган бола ҳаётни ўрганади, ўзини тутиш, қандай гапириш, бошқалар билан муомала қилиш сабоғини ўзлаштиради. Ўша сахна асарига асос бўлган асарни топиб ўқишга интилади ва шу тарих адабиётга меҳр қўяди.

Гап шундаки, дарс машғуллари жарёнида айрим ўқувчиларнинг нутқи яхши эмаслиги ёки гапираётганда ўзини йўқотиб, ҳаяжонланиб, дудукланиб қолиш ҳолатларига дуч келамиз. Бу эса уларнинг кам китоб ўқишлари, нутқида камчиликлар устида ишламаслигини кўрсатади. Бинобарин, ота-оналар фарзандларини кўпроқ театрга олиб боришларини, китоб ўқишларини назорат қилиши зарур, деб ўйлаймиз. Зеро, инсон маънавий оламини юксалтиришда, онг ва тафаккурини теранлаштиришда театр санъатининг ўрни бекиёс. У одамларни эзгуликка чорлайди, яхшиликка ундайди, энг гўзал ҳис-туйғуларни инъом этади. Театр шунчаки оддий томошахона эмас, балки тарбия, маданият, маънавият ва маърифат масканидир.

Шаҳноза ЖУМАЕВА,

Тайлоқ туманидаги

26-ДИУМнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

БОЛАЛИКНИНГ СЎНГГИ КУНИ

Бу йил 11-синфни бир олам орзулар билан тугатдим. Ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ота-онам табриклайди бизни. Ҳатто опам ва акам оилани бўлса ҳам бу одат тарк этилмайди. Хуллас, бу йил ота-онамдан байрам табригини қабул қилгач, дугоналарим билан бирор истироҳат боғига айланиб келиш учун руҳсат сўрадим.

Имтиҳон топшириб, ўртоқларим билан болаликнинг сўнги кунини мактабимизга яқинроқ бирор жойда нишонлашга келишдик. Мактабимизга энг яқин жой – Ашхабод сайилгоҳи. Истироҳат боғига етмасдан не кўз билан қарайлик, кириш дарвозасида одамлар шу қадар кўп эдики, ҳатто яқинлашиш ҳақида ўйламасдан дарров бошқа жойга кетдик. Бир неча соатдан сўнг ижтимоий тармоқларда Ашхабод сайилгоҳидаги гавжумлик ҳақида видеолар тарқалди. Биз дарвоза олдида кўрганимиз ҳали одамларнинг бир қисми экан. Ичкарида тўпланганлар орасида йўқолиб қолиш ҳеч гап эмас. Айтилишича, байрам муносабати билан 20 мингта юмшоқ ўйинчоқ бепул тарқатилган экан. Шунча одам болалари билан ўйинчоқ олгани келгани, ёки ҳар байрам боғларда одам шунчалик кўп бўладими,

буниси менга қоронғу. Аммо бир нарсани биламан, одамлар ҳар йили 1 июнда фарзандларини айланишга олиб чиқади. Шу кунда кўчаларда ҳамма жойда болалар ва ота-оналарни бирга кўриш мумкин. Бошқа кунларда эса ота-оналар фарзандларини асосан мактаб ёки боғчаларга олиб боришади, айланишга эса йилда уч-тўрт марта олиб боришади у ҳам бўлса шу каби байрам кунларида. Болаларни ҳимоя қилиш, уларни хурсанд қилиш фақатгина бир кун эмас, ахир. Бошқа кунларда ҳам уларни хурсанд қилиш, турли жойларга сайрга олиб бориш мумкин-ку. Кўпчилик ота-оналар фарзандларига етарли вақт ажратмайди. Ажратишганда ҳам шу аҳвол, текин ўйинчоқларга олиб бориб болаларини оломонга айлантиради. Шунча одам орасида улар фарзандини қандай ҳимоя қилади?

Болаларни ҳимоя қилиш кунини болаларни айрим катталардан ҳимоя қилиш кунига айланганига ачиндим. Агар етарли вақт ажратилса, болалар учун кўп қўнғилочар жойлар бор. Масалан, менинг энг сеvimли масканим – республика болалар кутубхонаси. У ерда ҳар қандай ёшга мос келадиган китобларни топиш мумкин. Болалар учун ҳам қўнғилочар ўйингоҳи бор. Ёки кўғирчоқ театрини олайлик, у ерга кириш нархи жуда ҳам арзон. Республикаимиз музейлари ота-она ёки устозлари билан бирга борган болалар учун бепул кириш кунлари белгилаган. Мен ўзим онам ва устозларим билан музейларга кўп борганман. Ундаги ҳайрат текин ўйинчоқ қўлга киритгандан завқли. Шунчаки вақт ажратиш уларни олиб бориш керак. Биринчи, иккинчи мартадан кейин болаларда ўзи боришга иштиёқ уйғонади.

Хуллас, болаликнинг сўнги кунини, деганим аслида болалигимнинг давомини. Шунчаки мустақил ҳаёт оstonасидамиз. Бизга бахтли ва эсдан чиқмас болалик ҳадя қилган ота-онамга ҳамда устозларим олдида таъзимдаман.

Хулқарой ХУДОЙҚУЛОВА,
Яшнабод туманидаги 307-ДИУМ
битирувчиси